

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ**

**ИСМАНОВА АРОФАТХОН АБДУЛҲАМИДОВНА**

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИНГ  
ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation**

**Исманова Арофат Абдулхамидовна**

Касб-хунар коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштириш.....3

**Исманова Арофат Абдулхамидовна**

Совершенствование социально-педагогической системы профилактических работ против религиозного экстремизма и терроризма в профессиональных колледжах.....33

**Ismanova Arofat Abdulkhamidovna**

Implementation of the social-pedagogical system in preventive actions against religious extremism and terrorism at vocational colleges.....66

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....71

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМАНОВА АРОФАТХОН АБДУЛҲАМИДОВНА**

**КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА  
ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ ПРОФИЛАКТИК ИШЛАРНИНГ  
ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2017.1.DSc/Ped2 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси республика Маънавият ва маърифат марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг [www.tgpu.uz](http://www.tgpu.uz) ҳамда «Zivonet» ахборот-таълим портали [www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.


- Илмий маслаҳатчи:** Қуронов Муҳаммаджон  
педагогика фанлари доктори, профессор
- Расмий оппонентлар:** Мардонов Шукрилло Қўлдошевич  
педагогика фанлари доктори, профессор
- Қурбонов Шавкат Эргашевич  
педагогика фанлари доктори, профессор
- Шермухаммадов Баҳодир Шермухаммадович  
педагогика фанлари доктори
- Етакчи ташкилот:** Қарши давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tgpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tgpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (+99871) 255-76-87; факс: (+99871) 256-76-71

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

  
Р.Х.Джураев  
Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

  
Р.Г.Исаяев  
Илмий даража берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

  
А.Х.Маҳмудов  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, и.ф.д.

## Кириш ( докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий педагогик тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий технологиялари таълим жараёнига тадбиқ этилган. Глобаллашув жараёнларидан экстремизм ва терроризм асосан ёшларни нишонга олаётган даврда уларни ушбу мафкурадан огоҳ этишда ЮНЕСКО халқаро ташкилоти: “Ёшлар экстремист бўлиб туғилмайди. Бизнинг вазифамиз уларни инсон ҳуқуқларига оид билимларини тарғиб қилишимиз, хавфдан огоҳлантиришимиз, тарбия орқали профилактика қилишимиз керак”<sup>1</sup> шиорини тарғиб этмоқда. Бу борада олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг ижтимоий педагогик ҳамда профилактик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида халқаро терроризм ва экстремизмнинг сиёсий, мафкуравий ва ижтимоий сабабларини аниқлаш, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда уни бартараф этиш, ижтимоий профилактика қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни ташкил этишда “оқибат” билан эмас, “сабаб” билан курашиш, шу таҳдидни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш бўйича тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни ўтказиш ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, мафкуравий технологиялар, ёшларга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлар, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатларини такомиллаштиришнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясида “жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш”<sup>2</sup> устувор вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида асосий эътиборни дунёда тобора ёйилиб бораётган диний экстремизм ва терроризмга қаратди. Бу балога қарши курашда жаҳон ҳамжамиятини “Жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш борасида бирлашишга чақирди. Натижада таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларни тубдан модернизация қилиш, маънавий-маърифий ишлар

<sup>1</sup> “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

самарадорлигини педагогик профилактика орқали кучайтириш тизимини такомиллаштириш имконияти янада кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Мамлакатдаги диний вазиятни соғломлаштириш ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4437М-сон Қарори, 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160 сонли қарори ҳамда 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг педагогик профилактика тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, UNODC (БМТ), “RAND Corporation”, The Brookings Institution (АҚШ), International Institute for Strategic Studies (Буюк Британия), Canadian Centre for Policy Alternatives (Канада), Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ (АҚШ), Belfield pedagogical university (Германия), Japan Institute of International Affairs (Япония), Chiefly Research Centre (Австралия), Shalem Centre (Исроил), Таълим академияси (Россия), Республика маънавият ва маърифат маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

<sup>4</sup>Мазкур қисмни ёзишда қуйидаги манбаларга асосланildi. Charles Lister. The Free Syrian Army: A decentralized insurgent brand. The Brookings Project on U.S. Relations with the Islamic World. Analysis Paper | No. 26, November 2016. Darrell M. West. Megachange. Economic Disruption, Political Upheaval, and Social Strife in the 21st Century. Brookings Institution Press, October 18, 2016. Martha Crenshaw, Gary LaFree. Countering Terrorism. Brookings Institution Press, 2016. Bruce Hoffman. Inside Terrorism. Revised and Expanded Edition. Columbia University Press. 2006. 227-285. Seth G. Jones. Hunting in the Shadows. The Pursuit of Al Qaeda Since 9/11. W. W. Norton & Company, Inc. 2012. 300-305. Seth G. Jones. Waging Insurgent Warfare. Lessons From the Vietcong to the Islamic State. Oxford University Press. 2016. 333-347. Yonah Jermy Bob. Security expert: Pressure social media to block terrorist incitement. The Jerusalem Post. November 17, 2016. Gabi Sibon. Confronting Spontaneous Terrorist Attacks INSS Insight. No. 667, February 24, 2015. Gabi Siboni. The Impact of Cyberspace on Asymmetric Conflict in the Middle East. The Georgetown Journal of International Affairs. April 29, 2015. Carnegie Council on Adolescent Development. Great transitions: Preparing adolescents for a new century. New York: Carnegie Council of New York. Patterson G.R., DeBaryshe B.D., Ramsey E. A developmental perspective on antisocial behavior. American Psychologist. 44, 329-335.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг педагогик профилактик тизимини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг терроризмга қарши кураш Резолюциясига мувофиқ терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлаш йўллари ишлаб чиқилган (UNODC) (БМТ), терроризмга қарши курашга қаратилган стратегик дастурлар ишлаб чиқилган (RAND Corporation)(АҚШ), жамоатчиликка пайдо бўлган глобал воқелик – терроризмнинг хусусиятларини тушунтиришга қаратилган ахборот-тарғибот ресурсларини кучайтириш, террористик хуружларнинг олдини олиш технологиялари ишлаб чиқилган (The Brookings Institution) (АҚШ), терроризмга қарши кураш, тўқнашув ва зиддиятларни ечиш усуллари ишлаб чиқилган (International Institute for Strategic Studies) (Буюк Британия), таълим, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, одамларда фуқаролик жамияти маданиятини ошириш, кундалик ҳаётда дуч келадиган муаммоларнинг амалий ечимлари бўйича ижтимоий технологиялар ишлаб чиқилган (Canadian Centre for Policy Alternatives) (Канада), таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус тренинг методикалари мажмуи ишлаб чиқилган (Chiefly Research Centre) (Австралия), давлатнинг суверенитетини, барқарорлигини, яхлитлигини, дахлсизлигини жамиятнинг миллий кадриятларига таянган ҳолда сақлаб қолишга қаратилган концепция ишлаб чиқилган (Shalem Centre) (Исроил).

Дунёда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг педагогик профилактика тизимини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Терроризмга қарши кураш, меъёрий-методик таъминотини такомиллаштириш, диний экстремизм ва терроризм глобаллашувининг олдини олиш, илк ёшдан бошлаб болаларни диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик руҳида тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ахборот-тарғибот самарадорлигини ошириш; террористик хуружларнинг олдини олиш йўллари такомиллаштириш, терроризмга қарши кураш, тўқнашув ва зиддиятларни ечиш усуллари такомиллаштириш; интернетдан диний экстремизм ва терроризм тарғиботи мақсадларида фойдаланишни чеклашнинг ҳуқуқий, технологик ва мафкуравий асосларини такомиллаштиришдир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг сиёсий, ҳуқуқий масалалари А.Камаров, Б.Таджиханов, Д.Раҳимов, С.Кахаров ҳамда сиёсатшунос олимлардан Ш.Ёвкочев, Ш.Пахрутдинов, С.Ибрагимова, М.Ражабова, М.Зиямова, У.Убайдуллаев ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммолари: дис. ... юридик фанлари доктори: 12.00.08. – Ташкент, 2002. – 350б. Таджиханов Б.У. Терроризм: уголовно-правовой аспект: дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.08/ М-во внутренних дел Республики Узбекистан, Академия. – Ташкент, 2004. – 172 с. Камаров А.Н. Бирлашган миллатлар ташкилоти доирасида халқаро терроризмга қарши курашни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари: юрид.фан.ном.дисс. ...автореф.: 12.00.10 К.27.07.07-

Миллий мафкура, ғоялар кураши, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш масалалари А.Бегматов, А.Камаров, Б.Ирисов, М.Лафасов, З.Хусниддинов, Г.Туленова, И.Кудрявцев, М.Бекмуродов, С.Туйчиева, Р.Тошқуватова, Н.Сафарова, Қ.Назаров, Қ.Курунбоевлар тадқиқотлар олиб борган.

Педагог ва психолог олимлар О.Мусурмонова, О.Жамолдинова, Д.Рўзиева, Г.Ибрагимова, М.Курунов, В.Каримова, З.Курбаниязова, Х.Норқулов, З.Қосимова, М.Абдужабборова, З.Азимова, Ш.Акрамова, Р.Орипова, Б.Ходжаев, Х.Жабборовларнинг<sup>6</sup> тадқиқотларида ўқувчи-

---

0438/21015/08/ А.Н.Камаров; Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги; Тошкент давлат юридик институти. – Тошкент, 2007. – 156 б.Рахимов Д.Ф. Международно-правовые аспекты определения понятия "терроризм": дис. ...канд. юрид.наук: 12.00.10: утв. 24.11.2005/ М-во Юстиции РУз, Ташкентский гос.юрид. ин-т; М-во Юстиции РУз. 21; Ташкентский гос.юрид. ин-т. – Ташкент, 2005. – 167с. Кахаров С.Р. Халқаро ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг терроризм учун жиноий жавобгарлиги: дис. ...юридик фан. номзоди: 12.00.10: утв. 24.03.2005/ ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 21; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Ташкент, 2004. – 204б. Ёвкочев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте: дис. ... канд. полит.наук/ Ташк. гос. ин-т востоковедения; Ташкентский гос. ин-т востоковедения. – Ташкент, 2000. – 197 с. Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий демократик давлатчилик қурилиши амалиётида диний экстремизм таҳдиди: дис. ... сиёсат фанлар д-ри Д.05010006771 / Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси. – Тошкент, 2001. – 320 б. Ибрагимова С.Ш. Международный терроризм как фактор угрозы безопасности Республики Узбекистан: дис. ...канд. полит. наук: 23.00.02: утв. 30.03.2006/ Министерство высшего и среднего образования Республики Узбекистан 21; Ташк. гос. ин-т востоковедения. – Ташкент, 2006. – 181 с. Зиямова М. Усилия мирового сообщества по борьбе с международным терроризмом в рамках организации объединенных нации. Дисс....по соискание ученой степени канд. политических наук. 23.00.04. Мин-во иностранных дел.Рес.Уз-н, Университет мировой экономики и дипломатии.-Т.2007. Убайдуллаев У. Халқаро терроризм: тарихи ва замонавий муаммолари. – Тошкент: Академия, 2002. – 144 б.

<sup>6</sup> Бегматов А. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. Ўзбекистон Рес. Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси.- Т.:2000. Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. – Т.: Маънавият, 2000. Лафасов М. Экстремизм, терроризм тарихи ва моҳияти. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008. Хусниддинов З. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.– Тошкент: ТИУ, 2005. – 210 б. Закурлаев А. ва Ахунов Б. Диний экстремизм ва терроризм. – Тошкент: Адолат, 2004. – 106 б. Назаров Қ. Қадриятлар тизими:барқарорлик ва ўзгарувчанлик диалектикаси. Фалсафа фанлари доктори дисс... Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ инс-ти. Т: 1996. Кудрявцев И. Проблемы формирования правовой идеологии Республики Узбекистан в условиях независимости.дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.01 : утв. 30.09.2010. Ташкент:165с, Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. –Т.: КО'НИ-NUR, 2011. – 95 б. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети. –Т.: КО'НИ-NUR, 2011. – 95 б. Тўйчиева С. Янги турдаги ўрта педагогик ўқув муассасалари ўқувчиларида ахлоқий тарбиянинг психологик хусусиятлари. Псих-я фанлари номзоди дис-я. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика инс-ти. Т: 1998. Тошқуватова Р. Проблемы соотношения политического и религиозного экстремизма в условиях глобализации.Тошкент:2012. 168с. Сафарова Н. Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари доктори дисс.... Ўз-н Рес-си Фанлар академияси И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ инс-ти. Т:2010. Туленова Г. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли. Фалсафа фанлари доктори дисс-я. Мирзо Улуғбек номидаги Ўз-н Миллий Уни-ти. Т:2006. Куранбоев К. Педагогические основы развития духовной и социальной активности студентов (на примере молодежных организаций): -Автореф.дисс... к.п.н. –Т., 2000. – 23 с. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 97 б.Жамолдинова О.Р. Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2015. -337 б. Рўзиева Д. Олий таълим муассасалари талабаларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: 2007. – 254 б. Ибрагимова Г. Касб таълими тизимида миллий истиқлол ғояси асосида талаба-ёшлар маънавиятини шакллантириш. Педагогика фанлари доктори дисс-я. Низомий номидаги Тошкент давлат пед-ка уни-ти. Т:2007. Куранов М. Научно-педагогические основы национального воспитания в общеобразовательных школах Узбекистана. Автореф. дисс. ... д.п.н. –Т.: 1998. –

ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг назарий, амалий ва услубий масалалари ўрганилган.

Диний экстремизм ва терроризмнинг диний мутаассиблик ва ақидапарастлик билан боғлиқ жиҳатлари А.Хасанов, М.Раджабова, З.Хусниддинов, З.Мунавваров, А.Жузжоний, С.Абдуллаев, А.Закурлаев, И.Мирзиётов, Ғ.Кароматов, К.Захидовнинг илмий изланишларида ўрганилган.<sup>7</sup>

Жаҳон файласуф, тарихчи, террорологлари С.Кара-Мурза, Г.Грачев, О.Половко, А.Караяни, И.Засурский, И.Колотилова, В.Беспалько, А.Варламова, Л.Выготский, С.Зелинский, А.Зиновьев, Р.Харрис, М.Гогиева, Е.Фастова, Н.Гильмутдинова, В.Друзин, О.Карповалар<sup>8</sup> томонидан

---

40 с. Каримова В., Умаров А., Куронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. –Т.: Ижод дунёси, 2002. Курбонниёзова З. Тарбиявий ишлар жараёнида ўқувчиларда миллий ўзликни англашни шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.ф.н. ... ёзилган дисс. Автореф. –Т.: ТИТЛП, 2002. – 21 б. Х.Д.Норқулов. Оилада ёшларни ғоявий тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари. Тошкент, 2004. Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. З.Х.Қосимова. Талаба-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида). Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. Тошкент, 2004. М.Л.Абдужаббарова. Ўсмирлар орасида олиб бориладиган мафкуравий ишларнинг ижтимоий-педагогик асослари (Маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти мисолида).Тошкент, 2007. Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. Азимова З. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатлари интеграл диагностикаси. Пед.-ка фанлари номзоди ун дисс.-я. Тошкент давлат пед.-ка инс-ти. Т:2009. Ш.А.Акрамова. Ўсмирларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. Тошкент, 2012. Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. Р.И.Орипова. Мусиқий тўгараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш (мактабдан ташқари таълим мисолида). Тошкент, 2012. Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФТИ. Ходжаев Б. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш. Пед.-ка фанлари доктори ёзилган дисс.-я. Тошкент давлат пед. Уни-ти.Т:2016. 314б.Х.Жабборов

<sup>7</sup> Хасанов А.А. Мекка, Медина и верования арабов накануне возникновения ислама. – Т. 1. – Тошкент: ТИУ, 1994; Ражабова М.А. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий муаммолари: дис. ... юридик фанлари доктори: 12.00.08. – Ташкент, 2002. – 350б. Хусниддинов З. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари.– Тошкент: ТИУ, 2005. – 210 б. Мунавваров М. Императив внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов.дис. ... канд. полит. наук .Ташкент: 2007. 166 с.Жузжоний Ш.А. Ислом ҳуқуқшунослиги: ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: ТИУ, 2002. – 256 б.; Абдуллаев С. Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги ва ислом: Фал. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДШИ, 2002. – 150 б. Закурлаев А.К. Юртимиз ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тарикатчилик, аслият ва моҳият. – Т.: Академия, 2010. – 20-бет. Мирзиётов И. Бошланғич синф ўқувчиларида соғлом эътиқодни шакллантириш. (“Одобнома” дарслари мазмунини миллий-диний қадриятлар билан такомиллаштириш мисолида) Пед.ф.ном. дис.–Т.: 2003 – 162 б.Кароматов Ғ. Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти: Фал. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДШИ, 1999. – 21 б.; Захидов К. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661) дис. ... тарих фан. номзоди. Тошкент.2005.175б.

<sup>8</sup>Kara-Murza. Palynologic investigation of Jurassic sections in the Lyell and Murchison Fields, Northern North Sea.Jiang, Q..University of Sheffield (United Kingdom), ProQuest Dissertations Publishing, 1990. U037613..juncta Cyclonephelium filiatum (Davies, 1983), Polygonifera minula. 2010. Грачев Г. Информационно-психологическая безопасность личности : Теория и технология психологической защиты : диссертация ... доктора психологических наук . Москва: 2000.Половко О.О. Особенности политического терроризма в современном обществе. Киевский нац. ун-т им. Тараса Шевченко. – Киев: Б.и., 2005. – 16 с.Караяни А. Обеспечение социально-психологической устойчивости воинских подразделений : автореферат дис. ... кандидата псих. наук .Москва. 1993.Засурский. И. СМИ России в условиях глобальных процессов трансформации : Формирование новой системы средств информации и ее роль в политической жизни страны, 1990-1998 годов : диссертация ... кандидата филологических наук .Колотилова. И. Индивидуально-психологические характеристики подростков, увлеченных ролевыми компьютерными играми : диссертация ... кандидата психологических наук . Рос. гос. социал. ун-т.Москва:2009. Беспалько В. Слагаемые педагогической технологии. –М.: Педагогика, 1989. -190 с.; Варламова А. Школьная адаптация. Волгоград. 2005. -207 с.;

мафкуравий технологиялар, геосиёсат, ахборот, мафкуравий, психологик курашларнинг хусусиятлари, аҳоли, ёшларга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлар, манипуляция, “оммавий маданият”нинг глобаллашуви, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий жиҳатларига йўналтирилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика Маънавият ва маърифат марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Миллий ғоя воситасида аҳолини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишнинг инновацион метод ва воситалари” (2012-2015 йй.), “Миллий ғоя тарғиботи орқали ўзбек менталитетида прагматик ва бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш жараёнларини оптималлаштириш” (2017-2020 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий-педагогик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқувчи-ёшлар орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг устувор йўналишлари фалсафий ва ижтимоий педагогик-психологик хусусиятларининг имкониятларини таҳлил этиш;

диний экстремизм ва терроризмнинг ёшлар онги ва қалбига таъсир кўрсатишга қарши мафкуравий педагогик профилактика усулларини такомиллаштириш;

касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизмга мойил оилалар фарзандлари билан олиб бориладиган педагогик профилактика усулларини такомиллаштириш;

диний экстремизмга мойил ёшлар онгини педагогик коррекция қилишнинг нейролингвистик дастурлаш технологиясини такомиллаштириш;

диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик профилактик технологияларни ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** этиб касб-хунар таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик профилактика

---

Выготский Л. Педология подростка // Выготский Л.С. Собр. соч.: В 6-ти т. Т.6. М., 1984. -238 с.; Зелинский С. А. Манипуляции массами и психоанализ. Манипулирование массовыми психическими процессами посредством психоаналитических методик. СПб. Скифия. СПб., 2008 г.; Федотова Л. Контент-аналитические исследования средств массовой информации и пропаганды. –М.: 1988 г.; Харрис Р. Психология массовых коммуникаций. СПб. М., 2002 г. Гогуева. М. Психологическая профилактика негативного влияния субкультуры на личность подростка : автореферат дис. ... кандидата психологических наук . Саратов. гос. ун-т им. Н.Г. Чернышевского. Саратов, 2011. 24с. Фастова. Е. Становление социальной компетентности подростка в проектной деятельности : автореферат дис. ... кандидата педагогических наук Волгогр. гос. пед. ун-т. Волгоград:2010. Гильмутдинова. Н. Формирование духовно-нравственных ценностей подростков в общеобразовательном пространстве школы. автореферат дис кандидата пед. наук. Марийс. гос. ун-т. Йошкар-Ола, 2010. Друзин. В. Педагогическая профилактика игровой компьютерной аддикции подростков : диссертация ... кандидата педагогических наук. Ярослав. гос. пед. ун-т им. К.Д. Ушинского Ярославль. 2010. Карпова. О. Ценностно-смысловая проблемная ситуация как средство духовного воспитания подростка : диссертация ... кандидата педагогических наук. Волгогр. гос. пед. ун-т. Волгоград. 2011.

жараёни белгиланиб, Бухоро банк коллежи, Ромитан педагогика коллежи, Вобкент иқтисодиёт коллежи, Андижон индустриал-педагогика коллежи, Андижон туман иқтисодиёт ва транспорт касб-хунар коллежи ва Жиззах юридик касб-хунар коллежларининг 494 нафар ўқувчи-ёшлари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети** касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик тизимини такомиллаштириш воситалари, шакл ва методлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир сиёсий, террологик, фалсафий, социологик, психологик, педагогик, ҳуқуқий адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил; илмий фикрларнинг назарий таҳлили ва синтези; педагогик кузатиш; социологик-педагогик (кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома); педагогик эксперимент; мониторинг; натижаларни математик ва статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

диний экстремизм ва терроризмга қарши “Жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш назарияси фанлараро интеграцияга асосланган “Квартет-блок” принципи (ҳуқуқий, педагогик, террология, психология) билан бойитилган;

диний экстремизм ва терроризм ғоялари таъсирининг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар комплексида “Оила-Маҳалла-Таълим муассасаси” ижтимоий-педагогик ҳамкорлигининг террологик мазмуни алоҳида йўналиш сифатида асосланган;

диний экстремизмга мойил оилалар фарзандлари маънавиятини соғломлаштиришнинг ижтимоий-маърифий технологиялари (“Бир зиёли – беш оилага маънавий ҳомий”, “Бир таҳдидга беш зарба”, ижтимоий-педагогик таҳлил, Кинолекторий) асосида педагогик коррекция усуллари такомиллаштирилган;

диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган ўсмирлар билан индивидуал ишлашнинг нейролингвистик дастурлаш технологияси ишлаб чиқилган ва маънавий реабилитация йўналишида жорий қилинган;

ўқувчи-ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетнинг: ғояни таниш, билиш, баҳолаш, рефлексия, интериоризация, қарор, реакция, мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш компонентлари уйғунлигини таъминлашга қаратилган локал-модулли технология ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшлар орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг устувор йўналишларини, ижтимоий педагогик-психологик хусусиятларини очиб бериш орқали уларда ушбу иллатга қарши мафкуравий иммунитет шакллантирилган;

касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмнинг ёшлар онги ва қалбига таъсир кўрсатиш усуллари таҳлил

қилинган ва уларга қарши педагогик профилактика усуллари такомиллаштирилган;

ўқувчи-ёшлар ўртасида диний экстремистик оқимга мойилликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уни бартараф этиш механизмини амалга оширишнинг ижтимоий-педагогик тизими такомиллаштирилган;

касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизмга мойил оилалар фарзандлари билан олиб бориладиган педагогик профилактика усуллари ишлаб чиқилган;

касб-хунар коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик ҳамкорликнинг самарали услублари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган тадқиқот натижасида педагогика фани таълим-тарбия тизими субъектлари орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишлар самарадорлигини ривожлантиришга йўналтирилган назарий ёндашувлар, қарашлар, концептуал асослар, илмий педагогик тавсиялар билан бойитилганлиги; диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни такомиллаштириш ижтимоий педагогик моделининг мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга доир ислохотлар мазмунига мослиги; олинган натижаларнинг репрезентативлиги; илгари сурилган илмий ғояларнинг ўтказилган тажриба-синов натижаларидаги ижобий ўзгаришлар билан тасдиқланганлиги, ҳаққонийлиги ва ишончлилиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** изланишлар натижасида касб-хунар таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий-педагогик профилактиканинг назарий ва услубий жиҳатларини такомиллаштирилганлиги; бунда ижтимоий-педагогик фаолият технологик мажмуасининг қўлланиши асосида ўсмирлар хулқида мафкуравий бузилишга олиб келувчи сабаб ва омиллар назарий жиҳатдан таҳлил этилганлиги; диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларни амалга оширишнинг ижтимоий-педагогик модели самарадорлиги оширилганлиги; диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактиканинг ижтимоий-педагогик ресурслари аниқланиб, улардан фойдаланиш усуллари амалиётга татбиқ этилганлиги; касб-хунар таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тренинг дастурлари, услубий мажмуалар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари педагогика, психология, ҳуқуқшунослик, маънавият асослари, ижтимоий фалсафа, тарбиявий ишлар методикаси, педагогик технология, педагогик маҳорат, миллий ғоя, диншунослик каби фанлар мазмунини бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва

шаҳар ҳокимлари иштирокида маҳаллий ҳокимият органлари раҳбар кадрларининг давлат бошқаруви, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги малакасини ошириш муассасаларида ўтказилган ўқув-семинарларида, узлуксиз таълим муассасаларида, фуқаролик жамияти институтлари, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбар ходимларини ўқитиш, Имом Бухорий халқаро марказида имом-хатиблар малакасини ошириш курсларида, маҳаллаларда “Ота-оналар университетлари” фаолиятида фойдаланилмоқда.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:**

диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика самарадорлигини ошириш бўйича таклифларидан “Мен диний экстремизм ва терроризмнинг таҳдидини қандай тушунаман?” мавзуларидаги ижодий мақолалар танлови Низомини ишлаб чиқишда, олий таълим муассасаларида “Ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш ва диний мутаасибликка қарши кураш бўйича ёшларга оид Дастур”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 октябрдаги №89-03-3553 сонли маълумотномаси). Натижада таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилган;

касб-ҳунар коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ишлаб чиқилган мафкуравий педагогик профилактика усулларида Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг V йўналиш 41-банди: “Терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият” ва бошқа таҳдидларга қарши самарали кураш мақсадида “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзусида нашр этилган тарғибот услубий қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада касб-ҳунар коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик ҳамкорлик самарадорлигига эришилган;

диний экстремизмга мойил оилалар фарзандлари маънавиятини коррекциялашнинг ижтимоий-маърифий технологиялари (“Бир зиёли – беш оилага маънавий ҳомий”, “Бир таҳдидга беш зарба”, ижтимоий-педагогик таҳлил, кинолекторий) асосида ишлаб чиқилган педагогик коррекциялаш усулларида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар томонидан тақдим этилган №А.54-рақамли шартнома асосида “Жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 01/010-1057-18-сонли маълумотномаси). Натижада Марказнинг 14 та ҳудудий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июндаги дин арбоблари ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бўлиб ўтган

видеоселекторидаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида диний экстремистик оқим аъзоларининг фарзандларини ижтимоий реабилитация қилиш ва соғлом ҳаётга қайтариш, уларни жамоат ишларига, фан ва касб-хунар тўғарақларига жалб этишда олиб борилаётган тушунтириш-профилактика суҳбатлари самарадорлигини таъминлашга имконият яратилган;

диний экстремизмга мойил ёшлар онгини педагогик реабилитация ва компенсация қилишнинг такомиллаштирилган усуллари, шакл ва воситаларидан ёш авлодни ҳимоя қилишга қаратилган педагогик профилактика самарадорлигини оширишга қаратилган ўқув-тренинг дастурлари, “Профилактика мактаби” механизми ҳамда илмий-амалий қўлланма ва тавсиялардан касб-хунар марказининг 2017 йил апрелдаги ХЗ-02/04-93/ВМБ сонли хатига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини тизимли ташкил этишнинг долзарб масалалари тўғрисида”ги 50-сон мажлис баёни 15-бандида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Марказнинг чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда ҳамда Марказнинг 2018 йил МХ-01/04-65-сонли хатига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан, ёшларда юксак ватанпарварлик фазилатларини эътиқод даражасида шакллантириш бўйича устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган ва ушбу механизм амалиётга жорий этилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 12-октябрдаги 01/46-57-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг ёшлар ҳаётига жорий қилиниши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи ёшлар орасида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактика самарадорлигини оширишда ижобий натижа берганлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот ишининг асосий натижа ва илмий хулосалари 4 та хорижий ва 15 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола (3 та хорижий илмий журнал)да нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 260 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, илмий ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан биргаликда диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

**“Глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар ва ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида”** деб номланган биринчи бобда “диний экстремизм” ва “терроризм” тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти, унинг келиб чиқиши, жамиятга туғдираётган хавфи баён қилинган. Шунингдек, диний экстремизм ва терроризм таҳдиди кескинлашувининг ижтимоий-педагогик моҳияти, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг глобал педагогик мазмун-моҳияти, дин ниқобидаги бузғунчи ғоялар глобаллашуви жараёнининг маънавий таҳлили ва сабаблари ёритиб берилган, диний экстремизм ва терроризм – глобал таҳдид сифатида қаралиб, уларнинг олдини олишнинг ижтимоий-педагогик жиҳатларига эътибор қаратилган. Диний экстремизм ва терроризм таҳдидининг олдини олишнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий-маърифий асослари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент халқаро конференциясида, 2017 йил сентябрь ойида БМТ нинг Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги анжуман ҳамда Остонада бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида илгари сурилган асосий вазифа - диний экстремизм ва терроризм хавфига қарши биргаликда, муросасиз курашиш муаммоси эканлиги энг асосий эътибор марказида бўлди: “Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини “ўзимизники”, бошқасини эса, “бировники”, - деб қабул қилмаслигимиз керак. Зеро, диний экстремизм ва халқаро терроризм балоси бугунги кунда тинчлигимизга ҳавф солаётган муаммодир. Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш билан эмас, балки биринчи навбатда айниқса, ёшлар ўртасида зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим”<sup>9</sup> – деган фикрлари диний экстремизм жаҳонни ташвишга солаётган глобал муаммога аллақачон айланганлигини исботидир.

Ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган, бутун инсониятга таҳдид солиб турган нохуш ҳодисаларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг барчасида “инсон омили” бош сабабчи эканлигига амин бўламиз. Ҳозирги

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 26-27 март кунлари Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида сўзлаган нутқидан

мураккаб ва таҳликали замонда юртимиз хавфсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч-осуда ҳаётини таъминлаш, ёшларни соғлом эътиқодли қилиб тарбиялаш энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

XXI асрдаги мафкуравий курашларни тарғиботлар кураши даври, деб тавсифлаш ҳам мумкин. Ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллаш учун таҳдид солаётган диний экстремистик ва террористик мафкуралар “мафтункор”, “оммабоп” бўлиб кўринсада, лекин бунинг остида жуда ҳам пухта ўйлаб, ишлаб чиқилган, илмий технологик асосга қурилганлиги сир эмас. Чунки, уларнинг тарғиботи замонавий мафкуравий кураш усулларига, махсус “таълим-тарбия” тизимига эга. Фақат ғоя, мақсад шакли ўзгарган. Ёшларни онгу қалбини эгаллашга қаратилган таҳдидли ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтирадиган турли хавф-хатарлар ҳамда уларни олдини олиш муаммоси буюк аجدодларимизнинг илмига доир факт ва хулосаларида ўз аксини топган. Ушбу бобда диний экстремизм ва терроризм таҳдидини юзага келтирадиган манбаларни илдиз отмасдан уни олдини олиш, унга нисбатан доимо огоҳ, ҳушёр бўлиш, ғофилликка йўл қўймаслик ҳақидаги фикрлар аجدодларимизнинг сиёсий тафаккурдан кенг ўрин олган муҳим жиҳатлардир. Буюк аجدодларимиз наздида юртга бўладиган ички ва ташқи хавф-хатарларга нисбатан огоҳ бўлиш муҳим тамойил даражасига кўтарилган ҳамда уларнинг олдини олишнинг асосий шартларидан бири бўлган.

Ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қарата олиб борилаётган ғоявий курашларда асосий вазифа - маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ривожлантириш ва кучайтиришдан иборатдир. Чунки маънавият ва маърифатнинг объекти онг ва қалб бўлгани каби диний экстремизм ва терроризм мафкура тарғиботчилари ҳам асосан ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун ғоявий кураш олиб бормоқдалар.

Бугун XXI аср ота-оналардан ёшларда Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясида кўрсатилган таянч фазилатларни тарбиялашни талаб қилмоқда. Глобаллашган, ҳаёт ўта тезлашган, таҳликали, мураккаб замон илгари ота-боболаримиз дуч келмаган тарбиявий вазифаларни, талабларни олдимизга қўймоқда. Замон талабларини сезмасдан ёшлар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни эскича услубда давом эттирилса, бу ишлар самарадорлиги паст бўлади. Диний экстремистик ва террористик оқимлар ўзларининг услублари ва даъватларини, иш услубларини замонга мослаб ўзгартириб бораётган экан, педагоглар, маънавият ва маърифат аҳли, устоз-мураббийлар, ота-оналардан ҳам таълим-тарбия усулларни, яъни маънавий-маърифий ишларни ижтимоий профилактика талаблари асосида замонавийлаштириб, бойитиб бориш талаб этилади. Терроризм ва диний экстремизмнинг “инсон омили”ни маърифат ва тарбия “қўллари” билан тўхтатиш зарур. Ана шу неъматлардан бебаҳра қолган, ҳимоясиз ёшларни алдаб, адаштириб ўз сафларини тўлдиряпти. Уларни алдаб, подадек хайдаб, қурбон қилиб, четдан мамнун тамоша қилаётир. Алданиб, жиноятчига айланганларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар эканлиги ёшлар

тарбиясида педагогик профилактика ишларидаги йўл қўйилган хатоликлар ҳисобланади.

Хозирги кунда турли хил мафкуравий кучлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш ҳақида кўплаб йўриқномалар ва тадбирлар ишлаб чиқилишига қарамай экстремизм ва терроризм таъсирга тушиб қолган ёшлар анчагина. Ёшларимизга коллеж ва академик лицейларда соғлом эътиқод тўғрисида тўғри билим, тушунча ва кўникмалар берилиши кўча-кўйдан, ижтимоий тармоқлардан, интернет сайтларидан бериладиган нотўғри маълумот ва таъсирларга тушиб қолишларидан ҳимоя вазифасини ўтайди. Бу маънавий огоҳлик эҳтиёжларни тўғри қондириш педагоглардан ижтимоий педагогик профилактика усулларини яхши билишни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ғоявий-ҳуқуқий ва илмий-педагогик асослари”** деб номланган иккинчи бобда бугунги кунда, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчи-ёшларни диний экстремизм ва терроризм мафкурасидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, диний экстремизм ва терроризм мафкурасининг ёшлар онги ва қалбига таъсир кўрсатиш усулларининг педагогик-психологик таҳлили, касб-ҳунар коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактика ишларида миллий тарбия меросимиздан фойдаланиш имкониятлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, буюк алломаларимизнинг ёшларни турли хил маънавий таҳдидлардан ўз даврида қўллаган ёт ғоялардан ҳимоя усуллари, маърифий исломни ёшларга тушунтиришда қўллаган тарбиявий методлари ёритилган.

Мамлакатимизда энг йирик ижтимоий қатлам саналмиш ёшларни диний экстремизм ва терроризм мафкураларидан асраш мақсадида тегишли ҳуқуқий асослар яратилди. Ушбу ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлатимиз томонидан яратилган ҳуқуқий асосларни ёшларимиз билиши, фойдалана олиши, онгли муносабатда бўлиши учун уларни тушуниб олмоғи зарур. Тадқиқотларимиз натижасига кўра, касб-ҳунар таълими муассасаларида олиб борилаётган тарбия жараёнларида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Тадқиқот вазифасидан келиб чиқиб берилган **“Ёшларни диний экстремизм ва терроризм мафкураларидан асрашга оид қандай ҳуқуқий ҳужжатларни биласиз?”** – деган саволга ўқувчилар: Таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланмаслик тўғрисидаги қарорни – 81,2%, интернетдан диний экстремизм ва терроризмга оид сайтлардан фойдаланмаслик тўғрисидаги қонун – 14,2%, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – 3,6 %, вояга етмаганлар профилактикаси тўғрисидаги қонун – 1,0% - деган жавоблар қайд этилган. Ушбу бобда бу борадаги муаммо ва камчиликлар таҳлил асосида педагогик таҳлил қилинган.

Оммавий иш тажрибасини ўрганиш касб-ҳунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши педагогик профилактика тизими икки йўналишда – бевосита ва билвосита амалга оширилиши

зарурлигини кўрсатди. Бевосита педагогик профилактика – ўсмирларга диний экстремизм ва терроризм мафкуралари таъсирининг олдини олиш, билвосита педагогик профилактика таълим-тарбия, маънавий-маърифий, соғлом эътиқод тарғиботини ўз ичига олади.

Тадқиқотимиз давомида коллежда ёт ғоялар таъсирига олиб боровчи омиллардан бири – ишсизлик масаласини бартараф этиш бўйича бир қанча маънавий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказдик. Масалан, 3-босқич талабалари ва уларнинг ота-оналари билан ўтказилган йиғилишлар, суҳбатларда асосий эътиборни коллежни тамомлаганларидан сўнг келиб чиқиши мумкин бўлган ишсизлик масаласининг олдини олишга қаратдик. Ишсиз ҳолатга тушиб қолса, нима қилишини эмас, балки шу ҳолатга тушмаслик учун нима қилиш кераклиги ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Биз, бу тадбирларда, коллежни тамомлаганларидан кейин ўзи эгаллаган мутахассислиги бўйича ишлаши учун амалиёт даврида касб сирларини устозларидан яхши эгаллаб, ўз ишини устаси бўлиб, иш фаолиятини давом эттиришини, акс ҳолда, ишга жойлаша олмай қолса, иккинчи йўли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ўргатдик. Бу борада олиб борилган амалий ишлар ҳақида ушбу бобда баён қилинади.

Бу борада ҳуқуқий маърифат ёшлардаги ҳис-туйғуларга берилувчанлик хусусиятини ҳисобга олиши, мафкуравий иммунитетни шакллантириш эса ушбу ҳис-туйғуларни қонунлар доирасида жиловлаб туриш билан боғлиқлигини унутмаслик зарур. Ўтказилган тадқиқотларимиздан келиб чиқиб, касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг виждон эркинлиги борасидаги билим ва масъулиятларини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғиботнинг қандай шакл ва усулларда амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бугунги кунга келиб дунё миқёсида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳам ёт ғояларнинг ёйилишини олдини олиш, тарқалишини тўхтатиш, зарарсизлантириш, дин масалаларини тушунтиришда холисликни таъминлаш, турли ниятлар билан бузиб талқин қилишларнинг олдини олишга қаратилган маърифий ишлар тизими яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти: “Ислон динининг асл мазмун-моҳиятини ҳали англаб етмаган айрим ёшларимиз ёт мафкураларга алданиб қолмоқдалар. Шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган бизнинг юртимизда қандайдир ақидапараст, диний оқимларга адашиб кириб қолган кимсаларнинг чиқиши албатта, бизга ярашмайди”<sup>10</sup> - деган сўзлари бузғунчи ғояларни тарғиб қилаётган айрим кимсаларга раддия жавоб бўла олади.

Дунёда ёшлар онгини заҳарлаб уларни зомби қилиш механизми қандай тарзда намоён бўлиши, бу жараён қай тарзда кечиши, диний экстремизм ва терроризм ўз мақсадларига эришиш учун қандай усуллардан фойдаланаётганликларини ўрганиш ва уларни зарарсизлантириш, ҳар бир педагогнинг касбий бурчидир. Қолаверса, бу ижтимоий-педагогик профилактика самарадорлигининг асосий шартларидан биридир.

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан.

Таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризм ғояларини синдириш усуллари, йўллари ва воситаларини ўқувчи-ёшларимизга тушунтириб, кўрсатиб, бу ғояларга қарши профилактик усуллар ишлаб чиқиш зарурлиги очиб берилган. Бундан буён ёшларимизнинг “Акромийлар” каби экстремистлар «қармоғи»га илиниб қолмаслиги учун таълим муассасаларида динни ниқоб қилиб олган ёвуз ғояларнинг моҳиятини, хусусиятларини, жалб қилиш усулларини очиб бериш, педагогик профилактикани йўлга қўйиш, уларни шу йўлларга кириб кетишдан сақлаш итимоий педагогик профилактиканинг бош вазифаси бўлиши кераклиги ва бу борада, олиб борилиши зарур бўлган ижтимоий педагогик профилактик ишлар тизими кўрсатиб ўтилган.

Ўзбек халқи ўзининг ўтмишдаги буюк салоҳияти билан, буюк мутафаккирлари Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиздан қолган маънавияти билан миллий ифтихор туйғуларини туяди. Шу боис, ҳозир ҳам диёнатлилик, ор-номуслилик, шарм-ҳаёлилик каби илмга интилиш фазилатларни асрлар мобайнида бебаҳо қадрият сифатида авайлаб-асраб келмоқда. Дивертацияда ота-боболаримиз қолдирган буюк меросимиздан таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишларда фойдаланиш бой профилактик имкониятларга эга.

Буюк алломаларимиз қолдирган ғайрат-шижоатли, иродали, қатъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол, замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, огоҳ, юқори малакали, масъулиятли каби фазилатлар касб-хунар таълими муассасалари мутасаддиларининг доимий диққат марказида турса, таълим ва маънавий-маърифий ишлар режалари асосида изчил шакллантириб борилса, бу диний экстремизм ва терроризмга қарши педагогик профилактиканинг кучли маънавий воситасига айланади.

**“Касб-хунар коллежларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик ишларнинг ижтимоий-педагогик тизими”** деб номланган учинчи бобда ўқувчи-ёшларнинг ўсмирлик давридаги девиант ҳулқ муаммоларининг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ўқувчиларнинг диний экстремизм ва терроризмдан ҳимоя қилишда маънавий-маърифий ишларнинг тутган ўрни, ёшларнинг диний экстремистик оқимлар таъсирига тушишининг ижтимоий омиллари ва уларни бартараф этиш йўналишлари очиб берилган.

Шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга қизиқувчанлиги, янгиликка ўчлиги, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказади. Шу сабабли, ўсмирларнинг

ғоявий қарашлари ва ёш психологияси ҳар бир ёш хусусиятларини ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиш ва уларга таяниш лозим.

Касб-ҳунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик профилактикани олиб боришда таълим муассасасига ўқувчилар 15-18 ёшда таълим олишлари, бу ёш айнан ўсмирликдан ўспиринликка ўтиш даврига тўғри келади. Бу даврнинг ўзига хос жиҳатлари ва унга тўғри келадиган педагогик билимлар, усуллар, педагогик тактларни билиш ва қўллаш ниҳоятда муҳимдир.

Ижтимоийлашув – ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши ва керак бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўткази олиши жараёнидир. Ижтимоийлашув жараёнлари ижтимоий институтларнинг бевосита ва билвосита таъсирлари натижасида кечади. Булар жумласига оила, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар таълими муассасалари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари ҳам киради. Булар ўсмирнинг ижтимоийлашуви, хулқи, дунёқарашини ижобий ёки салбий томонга ўзгартириб юборадиган ижтимоий муҳит ҳисобланади. Чунки ўсмирдаги психик тараққиёт, хоҳиш, истак, қизиқишлар ижтимоий институтлардаги муҳит билан параллел кечмайди. Натижада ўсмир хулқ-атворида меъёрлардан оғиш кузатилади, яъни ўсмирда девиант хулқ-атворга мойиллик юзага келади. Натижада ҳаётий тажриба етишмаслиги туфайли алданиб, адашиб диний экстремистик ва террористик оқимларга қўшилиб қолиши мумкинлиги мисоллар билан очиқ берилган.

Таълим муассасалари, маҳаллаларда ўсмирлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказиш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича жуда кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Тадқиқот ишлари натижасида бу каби ўтказилаётган тадбирларда қуйидаги педагогик профилактик камчиликлар аниқланди:

таълим муассасасида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар “оқибат”га қаратилган, “сабаб”га эмас;

таълим муассасасида ўтказилаётган йиғилишлар фақат фаол, муаммосиз, “йиғилишга кириб ўтир” деса, кириб ўтирадиган ўсмирлар билан олиб борилган;

муаммоли оилалар, яъни нотўлиқ оилалар, нотинч оилалар, кам таъминланган оилалардан ўсиб келаётган ўсмирларнинг ҳар бири билан алоҳида индивидуал ёндашув бўлмаган. Бундай оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар кўпинча дарс машғулотларига катнамайди. Бунинг сабаблари ўсмирнинг уйига бориб ўрганилмаган;

девиант хулқли ёшларнинг ота-оналари билан алоқа ўрнатилиб, ижтимоий ёрдам кўрсатилмаган. Чунки таълим муассасаларида етарли

имконият бор, лекин оилаларга шу имкониятлардан фойдаланиб, педагогик маслаҳат, ижтимоий педагогик ёрдам кўрсатилмаган;

таълим муассасаси ҳамда оилаларда психолог хизматидан фойдаланиш кўникмаси мавжуд эмас, (девиант хулқ-атворга мойил ўқувчининг ота-онасидан: “Фарзандингиздаги бу ўзгаришларни сезганингизда, психологга мурожаат қилганмисиз?, - деб сўралганида “Болам бўйдоқ бўлиб, шўх бўлиб кетган, холос. Болам жиннимидики, психологга олиб борсам”, - кабилидаги жавоблар шундан далолат беради);

касб-хунар таълим муассасасидаги психолог штатида эса, аксарият ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахслар ишлаб келган.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир ота-она, педагог тарбиявий ишлар методикасини яхши билишлари керак. Ўсмирларга оилада таълим-тарбия берилаётганда ота-оналарнинг ўзлари улар учун намуна, ибрат бўлишлари керак. Зеро, соғлом фикрлашни ўсмирлар қалби ва онгига сингдиришни энг аввало, оиладан бошлаш керак. Ушбу вазифадан келиб чиқиб, тадқиқотимиз доирасида ижтимоий ҳамкорлик тизими асосида “Профилактика мактаби”ни тажрибада синаб кўрдик. Тажрибадан олдин тажриба-синов олиб бораётган таълим муассасаларимизда диний экстремистик оқимларга мафкуравий иммунитетнинг паст даражаси 36%ни ташкил этган бўлса, “Профилактика мактаби”ни жорий қилганимиздан сўнг бу кўрсаткич 12%ни ташкил этган, яъни 24%га пасайган. Сабаби, биз ҳамкорлик доирасида ҳар бир хонадонга кириб, “Исмоиловлар оиласидаги фарзанди кеч келишни одат қилиб олди. Қаерда, кимлар билан, қачон юрибди?” – деган саволларга жавоб топиб, муаммони туб педагогик сабаб-илдизларини аниқлаб, жойида бартараф этишга эришилди. Бу эса, Юртбошимизнинг “Менга жиноятчиликни аниқлаш, уни жазолаш муҳим эмас, менга шу жиноятчиликни келтириб чиқарган муаммонинг туб сабабини бартараф этиш чоралари муҳим. Бунинг учун ҳар бир оилаларда профилактикани амалга ошириб беринглар!”<sup>11</sup> – деган талабига жавоб бўла олади. Бундан ташқари, ушбу йиғилишда халқ учун, халқнинг фаровон, турмушидан рози бўлиб яшаши учун чиқарилаётган қарорлар ва фармонлар вилоятларда “қотиб” қолаётганлигини, туманларга, чекка-чекка қишлоқлардаги оилаларга етиб бормаётганлигини, қиладиган ишимиз қоғоз тўлдириш ва ҳисобот йиғишдан иборат бўлиб қолаётганлигини каттиқ танқид остига олдилар. Шунинг учун, аввало, профилактикани оилалардан бошланиши керак. Чунки тарбия ва профилактикани бир-биридан ажратиб бўлмайди, тарбияга профилактик хизмат ҳам таалукли, бевосита боғлиқдир. Яъни, улар бир-бирини тўлдирувчи ва давом эттирувчи хусусиятга эга бўлиши лозим.

2017 йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 июнь куни ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик фаоллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан.

тақдим этди. Биринчи Мурожаатноманинг мавзуимиз учун энг эътиборга молик томони “Бизда адашганлар бўлмаслиги керак”, - деган даъватдир<sup>12</sup>.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бугунги кунда коллежларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ушбу талабга жавоб бериши учун, бу ишни илмий-педагогик асосда, шиддат билан ўзгараётган мураккаб даврга мослаб олиб бориш, ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни ривожлантиришни янги инновацион-технологияларни илмий асосда ташкил этиш талаб этилади. Бу вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида ўз аксини топган. Қарор диагностик, профилактик ва манзиллилик хусусиятларига эга. Унда жаҳондаги мафкуравий вазият, тенденциялар билан биргаликда, мамлакатимиздаги маънавий-мафкуравий муаммолар қайд қилинади. Булар: оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси самарасизлиги; чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани; жиноятчилик; диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш; миллий кадриятларга эътиборсизлик; эрта турмуш қуриш; оилавий ажралишлар каби боши тарбияга бориб тақаладиган маънавий иллатлар эканлиги очиб берилган. Шунингдек, касб-ҳунар коллежларида кўрсатилган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари сифатида:

аксарият таълим муассасаларида таълим сифатининг талаб даражасида эмаслиги натижасида ёшларда билим олишга бўлган иштиёқнинг сўниши ва келажакда номутахассис кадр сифатида шаклланиб қолишлари;

ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилаётган тадбирларнинг сифатсизлиги, тадбирда фақат фаол ёшлар билан ишланаётганлиги, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар четда қолиб кетаётганлигини келтириш мумкин.

Тажриба-синов ишлари давомида таълим муассасалари маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ўртасида “Сиз фаолият олиб бораётган таълим муассасасида ўтган ўқув йилида диний экстремизм ва терроризмга қарши тарғибот ишларининг натижалари қандай бўлди?” – деган саволга респондентларнинг 42,8%и “Диний либосларда юрмай кўйишди” – деган жавобни, 42,2 % и “Ҳужраларда, хонадонларда диний сабоқ олишмай кўйди” деган жавобни беришди. 15%и эса, “Тадбирлар ўтказяпмиз”, – деб жавоб беришди. Бундан кўриниб турибдики, таълим муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактик тадбирларда ижобий натижалар қўлга киритилган. Бироқ, жавобларда эришилган ютуқлар ҳуқуқ-тартибот органлари саъй-ҳаракатларининг натижаси экани ва педагогик профилактик ёндашувнинг роли акс этмаганлиги сезилиб туради.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, касб-ҳунар таълими муассасалари педагоглари олиб бораётган ижобий ишлар билан бир қаторда, мутассади

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасидан.

маъсуллар томонидан хотиржамликка берилиш, лоқайдлик ва маъсулиятсизликка йўл қўйилаётганлиги, таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларнинг назоратсиз қолдирилиши, уларнинг дарсга келмаслик сабабларини педагогик профилактик таҳлил қилмаслик, ҳар бир ўсмир билан яқиндан суҳбатлашмаслик натижасида ўқувчи-ёшларнинг дарсларни қолдириб, диний таълимни ноқонуний олаётганлиги, ўқишини ташлаб, ишлаш учун ўзга юртларга кетиб қолаётганликлари сабабларига кўра, адашиб турли оқимлар таъсирига тушиб қолмоқдалар. Таълим муассасаларида бу борадаги камчилик ва муаммоларни бартараф этиш учун олиб борилаётган ижтимоий-педагогик профилактика ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Бобда ўрта махсус касб таълими муассасаларида ўқувчи-ёшлар ўртасида юзага келаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, уларнинг адашиб турли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларини олдини олиш учун ишлаб чиқилган ижтимоий-педагогик профилактика тизими ёритиб берилган.

Ўтказилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолаётган ёшларнинг оилавий маънавий муҳити таҳлил қилинганда бунинг ижтимоий сабаблари:

оилавий жанжалкашлик, ота-онаси четга чиқиб кетиб, болаларнинг қаровчисиз қолиши, ижтимоий ҳимояга муҳтожлик, ота-онаси ажрашиб, ота ёки она қўлида қолиш эканлиги аниқланди. Зеро бундай оилаларда тарбияланаётган ёшлар диний экстремистик оқим аъзоларининг потенциал “ўлжалари” бўлиб, диссертациянинг учинчи бобида ушбу тоифадаги ўқувчи-ёшлар билан олиб борилган педагогик профилактика ишлари ёритиб берилган.

**“Касб-хунар коллежларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган маънавий профилактик ишлар самарадорлигини ошириш”** деб номланган тўртинчи бобда диний экстремизмга мойил оила фарзандлари билан олиб бориладиган педагогик-профилактик коррекцион ишлар, улар онгини педагогик реабилитация ва компенсация қилиш усуллари ҳамда ўтказилган тажриба-синов ишларининг натижалари ёритиб берилган.

Педагогик профилактиканинг шаклланиш жараёни мураккаб ижтимоий ходиса сифатида миллий, диний, тарихий, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ. Шу боисдан ҳам, педагоглар ва ота-оналарни бугунги кунда ёшларни диний экстремистик ва террористик гуруҳлар қандай қилиб улар онгини нейролингвистик дастурлаб олиб, ўз ҳукмига бўйсундираётганликларни нейролингвистик дастурлаштиришга қарши иш механизмлари билан таништириш керак бўлади. Диссертациянинг мазкур бобида мана шундай усуллар батафсил ёритиб берилган.

Тадқиқотимиз доирасида террористик гуруҳларнинг таъсир кўрсатиш усуллари ижтимоий-педагогик ўрганилди. Ёшлар онгини захарлаб, уларни зомби қилиш жараёни қай тарзда кечиши, диний экстремизм ва терроризм ўз мақсадларига эришиш учун қандай усуллардан фойдаланаётганликларини ўрганиш ва уларни зарарсизлантириш ҳар бир педагогнинг касбий компетенциясига айланиши лозим. Қолаверса, бу ижтимоий-педагогик

профилактика самарадорлигининг асосий шартларидан биридир. Шу боис, ёшларни диний экстремизм ва терроризм хавфидан педагогик-профилактика қилишда айнан нейролингвистик дастурлаш технологиясини татбиқ этишга бугун алоҳида эҳтиёж туғилмоқда.

Нейролингвистик дастурлаш – таълимнинг гуманитар технологияси ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси ёшларда диний экстремизм ва терроризм мафкураларига қарши маънавий иммунитетни шакллантиришга доир кафолатланган натижаларга эришиш учун унда огоҳлик, ҳушёрлик, мулоқот техникасини ривожлантириш, ўзи ва ён-тарофдаги кишиларнинг диний экстремизм ва терроризмга нисбатан муносабатини, хулқ-атворини онгли равишда ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятга тайёрлашдан иборатдир.

Айтиш жоизки, юқорида таъкидланганидек, бу психотехника ва психотехнологияларни инсоннинг ҳар қандай психик, психологик ҳолатларини ўзгартириш, уни мувофиқ равишда сошлаш, янги хулқий хислатларни шакллантириш имкониятлари мавжуд. Шу боис, педагогик коррекция ишларида нейролингвистик дастурлаштиришни диний экстремистик оқимга мойиллик, тобелик ҳолатлардан чиқаришда, уни ижобий томонга ўзгартириш ишларида қўллаш жоиздир. Маънавияти соғлом ўсмир мустақил фикрлаб, ўзгаларнинг дин номидан айтган фикрларига қўшилиб кетмайди ва у нафақат ўзини диний экстремистик ва террористик ғоялардан ҳимоя қила олади, балки атрофдаги ўртоқлари, яқинлари, оила аъзоларини ҳам бу хавфдан огоҳлантиради. Аксинча, маънавиятини диний экстремизм ва терроризм мафкураси захарлаган ёшлар бевосита атрофдаги ўртоқларига рекруэтор функциясини бажаради. Шунинг учун, бу тоифадаги ўсмирларни бузғунчи диний экстремистик ғоялардан реабилитация қилиш, соғломлаштириш жуда муҳим ва мураккаб вазифадир. Ушбу бобда мана шундай педагогик коррекцион усуллар ҳақида сўз юритилган.

Педагогиканинг диний экстремизм ва терроризм оқими йўлига кирган ёки диний экстремистик оқимга мойил оилаларида тарбияланаётган ўқувчи ёшларимизни шу оқимга қўшилиб қолиш сабабларини ҳамда бунга мажбур қилган омилларни аниқлаб, уларни хулқидаги девиант хусусиятларни аниқлаш, уларнинг онгидаги ёт ғояларни зарарсизлантириш, мафкуравий иммунитетини тиклаш билан шуғулланадиган йўналиши педагогик тузатиш (коррекция) ҳисобланади. Педагогик коррекция ёт ғоялар, шу жумладан, диний экстремистик ғоялар таъсирига дуч келган ўқувчиларни ўз вақтида маънавий даволаш, педагогик таъсир кўрсатиш, муайян ижобий натижаларга эриштириш, уларни соғлом муҳитга қайтаришга қўмаклашиш тушунилади. Педагог-психолог ўқувчиларни диний экстремистик ғоялар таъсиридан коррекциялаш ва маънавий бўшлиқни аниқлаш ва ўрнини тўлдириш (компенсациялаш) учун диний экстремистик оқимга мойил оила фарзандларини педагогик ўргандик. Бунинг учун боланинг оилавий муҳити, ўртоқлари, бу йўлга ота-онаси ёки кимнингдир тайзиғи билан ёки ўз хоҳиши билан кирганлиги, мойиллик даражаси, болани жисмоний соғломлиги, асаб

системасининг ҳолати, характер сифатлари, ота-онаси ва яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар ўрганилди.

Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳар бир ўсмир учун ундаги мавжуд ёт ғояларни коррекциялашга педагогик профилактик ёндашув усулларини ишлаб чиқдик. Агарда ота-она диний экстремизм оқими аъзоси бўлиб, болани ҳам шу руҳда тарбиялаётган бўлса, бошқача ёндашув, агар боланинг ўзи динга қизиқиб, ўрганаман, деб адашиб, шу залолат йўлига кириб қолган бўлса, у ҳолда бошқача ёндашувни қўлладик.

Педагогик коррекция-ўқувчини педагогик-психологик кузатиш, индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлаш, ўқиш ва хулқ-атворидаги нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш ва бу нуқсонларни бартараф этиб, ўқувчини соғлом ҳаётга қайтаришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олди. Бунинг учун диний экстремистик оқимга мойил ёшларни педагогик коррекциялашда нейролингвистик дастурлаштиришнинг хилма-хил усул ва техникаларидан фойдаланиш усуллари мазкур бобда келтирилган. Биз тажриба-синов ишлари олиб борган ҳар бир таълим муассасасининг кўринадиган пештоғига “Диққат, алданманг!” деган ёзувни илиб қўйдик ва тарқатмали буклет-материал сифатида барча ота-оналарга тарқатдик. Бу диний экстремизмга қарши педагогик профилактикада яхши самара берди. 2016 йилдаги таҳлилларга кўра, диний экстремистик ва террористик оқимга адашиб кириб қолганлар сони касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари орасида Андижон вилояти мисолида 512 нафарни ташкил қилган бўлса, ўтказилган профилактик тадқиқотлардан сўнг 2018 йил март ойи ҳолатига 201 тага камайган.

Тажриба-синов ишлари давомида ижтимоий педагогик профилактик ишларимизни қуйидаги босқичларда олиб бордик:

ижтимоий-педагогик диагностика, ижтимоий-педагогик коррекция, ижтимоий-педагогик реабилитация, ижтимоий-педагогик компенсация.


Ижтимоий-педагогик диагностика ўқувчини педагогик-психологик жиҳатдан узлуксиз, ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлаш, ўқиш ва хулқ-атворидаги нуқсонларнинг сабабларини аниқлаш, диний экстремистик оқимга кириб қолиш сабаблари ва уни бартараф этиш омиллари ва уларнинг таъсир даражаларини аниқлаб беришга қаратилган педагогик тадбирларни ўз ичига олади.

Ижтимоий педагогик коррекция ўқувчининг онгидаги барча салбий ва бузғунчи ғояларни тўғрилаш, тузатишга қаратилиб, ўқувчининг маънавий ривожланишида содир бўлган салбий бурилиш ва нуқсонларни, руҳий оғиш ва кечикишларни бартараф этиш, шахс ва жамоага фаол ижобий руҳий таъсир ўтказиш, ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш, шахслараро муносабатлардаги зиддият ва низоларни юмшатиш, ҳар бир шахснинг мавжуд имкониятларини намоён эта олишига қаратилди.

Тажриба-синов ишларимизда ўқитувчиларга экстремистик оқимга мойил ўқувчи-ёшларга қандай қилиб психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларни

бу йўлдан чиқаришда қўллаш мумкин бўлган профилактика ва психокоррекция усуллари тавсия этилди. Ўтказилган тажриба-синов натижалари нейролингвистик дастурлаштириш технологияларидан узлуксиз таълимнинг барча босқичларида, диний экстремизм ва терроризмга қарши профилактика ишларида самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Диссертацияда бузғунчи ғояларга кириб қолган ўсмирлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик-профилактик иш шакллари, методлари ва воситалари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ўқувчиларда диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражасини ривожлантиришнинг педагогик профилактик технологияси (ППТ) тақдим этилган.

1-расм



1-расм. Ўқувчиларда диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражасини ривожлантиришнинг педагогик профилактик технологияси (ППТ)

Тажриба-синов ишлари асосан тажриба-синов объектлари танлаб олинган таълим муассасалари: Бухоро банк коллежи, Ромитан педагогика коллежи, Вобкент иқтисодиёт коллежи, Андижон индустриал-педагогика коллежи, Андижон туман иқтисодиёт ва транспорт касб-ҳунар коллежи ва Жиззах юридик касб-ҳунар коллежларида ўтказилган. Ушбу бобда таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов натижалари бошидаги ва якунидаги натижалар таҳлил қилинган.

Объектив шарт-шароитларда сўровнома ва анкета саволларига жавоб олиш учун тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича жами 494 нафар ўқувчи жалб этилди. Сўровнома ва анкета саволларига олинган натижалар куйидаги кўринишда умумлаштирилди (1-жадвал):

### 1-жадвал

#### Ўқувчиларининг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражасини ўрганиш натижалари

Диний экстремизмдан огоҳликни оширишга қаратилган профилактик билимларни баҳолаш кўрсаткичлари	Тажриба-синов ишлари натижалари							
	Тажриба гуруҳи n=246				Назорат гуруҳ n=248			
	Тажриба аввалида		Тажриба сўнгида		Тажриба аввалида		Тажриба сўнгида	
Мустақил фикрлайди, ўзига ишончи мустаҳкам, диний экстремистик оқимларга нисбатан мафкуравий иммунитет шаклланган, иродаси мустаҳкам, мафкуравий вазиятларда ўзини қандай тутиш кераклигини яхши билади, ватанпарвар.	136	55%	186	76%	154	62%	162	65%
Мустақил фикрлаш даражаси кониқарли, ўзига ишонч бор, бироқ ўзини муайян мафкуравий вазиятларда қандай ҳимоя қилиш кўникмалари етарли эмас, иродаси бўш. Ватан туйғуси мавжуд, бироқ ривожланмаганлиги билан белгиланади.	60	24%	44	18%	52	21%	40	16%
Мустақил фикрламайди, ўзига ишонмайди, иродасиз, бу оқимдан ўзини қандай ҳимоя қилиш йўлларини билмайди, ижтимоий фаоллиги суст, Ватанпарварлик туйғуси ҳақида умуман тушунчага эга эмас.	50	21%	16	6%	42	17%	46	19%

1-жадвал натижаларидан маълум бўладики, амалга оширилган педагогик тажриба-синов ишлари асосида тажриба гуруҳи ўқувчиларида диний экстремизм

ва терроризмдан огоҳлигига доир билимларини тўғри танлай олиш кўникма ва малакаларида сифат ўзгаришлари (55% дан 76 % даражага) юзага келган бўлиб, педагогик профилактика асосида огоҳлик даражаси пастлиги 21%дан 6%га камайган. Назорат гуруҳида эса, сифат ўзгариши (фақат 3%га) сезиларли бўлмаган ҳолда, диний билимларининг аниқ танлай олмаслик ҳамда педагогик профилактикани ўзлаштириш асосида огоҳлик даражасининг пастлиги 17%дан 19%га ўсиб борган. Демак, ўқувчиларнинг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражасини ривожлантиришга доир педагогик профилактиканинг тизимли йўлга қўйилмаслиги, улардаги мавжуд таҳдидлардан огоҳлик, хушёрликнинг сушлашувига олиб келади.

Тажриба-синов ишлари сўнгида тадқиқотга доир эмпирик материалларни умумлаштириш асосида касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг диний экстремизмдан огоҳлигини оширишга қаратилган профилактик билим даражасини аниқлашга доир тўрт (билиш-ахборий, қадриятли-мотивацион, ижтимоий-психологик ва фаолиятни ташкил этишга доир) гуруҳ мезонлар бўйича якуний ҳолати ҳосил қилинди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Ўқувчи-ёшларда диний экстремизм ва терроризмдан огоҳликни оширишга қаратилган профилактик билим даражаси**

Мезонлар	Кўрсаткичлари	Респондентлар сони n= 494					
		Юқори			Ўрта		
		Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Паст гуруҳи	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳи	Паст гуруҳи
Ахборий-билиш	Диний ва дунёвий тавсифдаги билимларга эгалик	60	72	30	24	10	4
	Диний экстремизмга доир тушунчаларни билиш	32	78	28	16	40	6
	Мустақил фикрлаш	43	76	24	20	33	4
Шахсий-қадриятли	Диний экстремизмга қарши мафкуравий иммунитетнинг шаклланганлиги	33	78	27	12	40	10
	Маърифий исломий тушунча ва қадриятларга нисбатан ижобий муносабат	37	77	22	16	41	7
	Диний қадриятларни билишга хоҳиш-истакнинг мавжудлиги	58	78	32	20	10	2
Ҳиссий-эмоционал	Ислом дининг мамлакатимиздан етишиб чиққан улуғ алломалариғаурмат-эҳтиром	52	82	23	25	15	3
	Гуруҳ ва яхлит таълим муассасаси ҳаётида фаол иштирок этиш	55	73	24	25	21	2
	Ўз-ўзига ишонч, объектив ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти	39	74	24	20	37	6

	Ўз олдига мақсад кўя олиш ва уни амалга ошира олиш кўникмасига эгалик	32	62	25	32	43	6
Фаолиятли-ижодий	Диний билимларни илмий билиш методларини эгаллаш, динлараро бағрикенглик кўникмасига эгалик	26	61	26	34	48	5
	Манбалар билан ишлаш, ўқув фаолиятини ташкил этиш кўникмасига эгалик	38	76	36	20	26	4
	Ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш	27	71	32	24	41	5
	Ўқув фаолиятини мустақил ташкил эта олиш малакасига эгалик	24	63	36	33	40	4

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 3-жадвал кўрсаткичлари асосида касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшларининг диний экстремизмдан огоҳлигини оширишга қаратилган профилактик билим даражасини тажриба-синовгача бўлган даврда ўтказилган тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришларини умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз. Математик ҳисоблаш қулай бўлиши учун репрезентатив тарзда тажриба гуруҳининг 182 нафар, назорат гуруҳининг 178 нафар ўқувчиларининг кўрсаткичлари асос сифатида олинди.


Тажриба аввалидаги таҳлил натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

**3-жадвал**

**Ўқувчи-ёшларнинг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражаси кўрсаткичлари(тажриба аввалида)**

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	182	43	86	53
Нazorат гуруҳи	178	46	88	44

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



**1-расм.Ўқувчиларнинг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражаси кўрсаткичлари(тажриба аввалида)**


Тажриба сўнгидаги таҳлил натижаларини умумий ҳолда қуйидаги жадвалда ифодалаймиз:

4-жадвал

**Ўқувчиларнинг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражаси кўрсаткичлари(тажриба сўнгида)**

Гуруҳлар	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	182	58	91	33
Назорат гуруҳи	178	43	80	55

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



2-расм. Ўқувчиларнинг диний экстремизм ва терроризмдан огоҳлик даражаси кўрсаткичлари (тажриба сўнгида)

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X} = 4,1$ ;  $\bar{Y} = 3,9$ ;  $\Delta_m = 0,06$ ;  $\Delta_n = 0,07$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{хсб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,1 - 0,06}{3,9 + 0,07} = \frac{4,04}{3,97} = 1,02 > 1;$$

$$K_{\text{доб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,1 - 0,06) - (3,9 - 0,07) = 4,04 - 3,83 = 0,21 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, касб-хунар таълими муассасаларида диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий педагогик профилактикани такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳоннинг энг юксак минбаридан туриб сўзлаган нутқидаги асосий масалалар сифатида диний экстремизм ва терроризм, жаҳон ёшларининг маънавияти, тақдири; ёшларнинг бахтига зомин бўлаётган “вируслар” ва уларнинг олдини олиш; дунёда жаҳолат ғояларининг ёйилишига чек қўйиш йўлида бирлашиш масалаларига қаратилди.

2. Диний экстремизм ва терроризмни тадқиқ этиш бўйича кўп тадқиқотлар олиб борилаётганига қарамасдан, бу хавфнинг энг асосий ва ҳал қилувчи “инсон омили”, яъни ёшларни диний экстремизм ва терроризм мафкурасидан ҳимоя қилиш масаласи энг кам тадқиқ қилинган йўналиш бўлиб қолаётган эди. Ер юзининг турли минтақаларида содир бўлаётган, бутун инсониятга таҳдид солиб турган нохуш ҳодисаларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг барчасида “инсон омили” бош сабабчи эканлигига амин бўламиз.

3. Ўзбекистон диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишда жаҳон ҳамжамиятини “Жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш борасида бирлашишга чақирди. Дунё аҳлига бу вабога қарши курашишнинг энг тўғри йўли – сабаб билан курашиш йўли кўрсатиб берилди. Президентимиз халқаро терроризм ва экстремизм балосининг маънавий, мафкуравий сабабларини кўрсатиб берди. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу-тафаккурини маърифат, ижтимоий-педагогик методлар асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

4. Ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш, ёшлар ичида диний мутаассибликнинг тарқалиши, экстремистик ва террористик оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашишда барча тарбиявий ресурслар ҳамкорлигида, ижтимоий педагогик профилактика тизими асосида такомиллаштириш талаб этилади.

5. Оила, таълим муассасаси ва маҳалланинг педагогик ҳамкорлиги, самарадорлиги ва натижадорлиги ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти, масъулияти ва фарзандлар билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш, ўқувчи ёшларнинг зарарли одатлар йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларга қарши манзилли профилактик тадбирларни амалга ошириш ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

6. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, диний экстремист ва террорчилар тарғиботнинг педагогик-психологик усулларида ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланишади. Энг муҳим жиҳати шундаки, барча диний экстремизм ва терроризм мафкура тарғиботчилари турли усуллар билан ўз сафларига “ўлжаларни” жалб қилиб, танлаб олганларидан сўнг, энди ўзларининг

махсус “таълим-тарбия” тизими педагогикаси орқали тарбияланмоқдалар. Бу усулларга қарши курашнинг асосий вазифаси нейролингвистик дастурлаштириш технологиясидан ижтимоий-педагогик профилактик мақсадларда самарали фойдаланишдир.

7. Бугунги даврда ҳар бир ота-она, ҳар бир педагог ижтимоий педагогик компетенцияларга эга бўлиши ҳамда диний экстремистларнинг “тарбия” усулларида огоҳ бўлмоғи зарур. Бунинг учун соғлом фикрлашни ва диний экстремизмдан профилактика ишларини, ўқувчилар қалбига ва онгига сингдиришни, энг аввало, оиладан бошлаш керак. Бунинг учун эса, таълим муассасалари, маҳаллалар ва оилалар билан ҳамкорликда ижтимоий-педагогик профилактика механизмини такомиллаштириш талаб этилади.

8. Таълим муассасаларида ўқувчи-ёшларни диний экстремизм ва терроризм ғояларидан сақлашда уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишда маънавий-маърифий ишлар, яъни тадбирларнинг катта профилактик имкониятлари мавжуд. Бу тизим ёшлар тарбиясида ота-она, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигидаги узвийликни таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини Беш муҳим ташаббус асосида самарали ўтказишлари учун қизиқишларини тўғри йўналтириш, турли спорт, маънавий-маърифий тадбирларда иштирокларини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

9. Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш – ижтимоий-педагогик вазифа ҳисобланади. Бугунги мураккаб ва таҳликали давр диний экстремистик оқим йўлига кирган ёки мойил оилаларда тарбияланаётган ўқувчиларимизнинг адашиш сабабларини ҳамда бунга мажбур қилган омилларни аниқлаб, уларни хатти-ҳаракатлари ва фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни англаб олиш, уларнинг онгидаги диний экстремизм ва террористик ғояларни бунёдкор ғояларга айлантириш, мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлашни самарали усулларини, йўллариини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

10. Диний экстремистик ва террористик оқим аъзолари ёшларни ўз сафларига жалб қилиш усуллари, тарғибот-ташвиқот методларини ўрганиш ва уларга қарши иш услублар, методлар ва технологиялар ишлаб чиқиб, уларни бу оқимга мойилликдан олиб чиқиш, соғлом ижтимоий ҳаётга қайтариш усулларини бугунги кунда ҳар бир педагог, умуман, ёшлар тарбиясига алоқадор мутассаддилар билиши зарур. Бунинг учун диний экстремистик оқимга мойил ёшларни педагогик коррекциялашда нейролингвистик дастурлаштиришнинг хилма-хил усул ва техникаларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш кўзланган натижани беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ ЦЕНТР ДУХОВНОСТИ И  
ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА**

**ИСМАНОВА АРОФАТХОН АБДУЛХАМИДОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
СИСТЕМЫ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ РАБОТ ПРОТИВ  
РЕЛИГИОЗНОГО ЭКСТРЕМИЗМА И ТЕРРОРИЗМА В  
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент - 2020**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.DSc/Ped2**

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Куранов Мухаммаджон</b> доктор педагогических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Мардонов Шукрулла Кулдашевич</b> доктор педагогических наук, профессор
	<b>Курбанов Шавкат Эргашевич</b> доктор педагогических наук, профессор
	<b>Шермухаммадов Баходир Шермухаммадович</b> доктор педагогических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Каршинский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_ часов на заседании Специализированного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарайский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tgpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tgpu_kengash@edu.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирован за № \_\_). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарайский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел: 99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Автореферат диссертация разослан \_\_\_\_\_ 2020 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).



**Т.Х.Джураев**  
Председатель Научного Совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., академик

**Р.Г.Исмаилов**  
Ученый секретарь Научного Совета по присуждению  
ученых степеней, к.п.н., доцент

**А.Х.Махмудов**  
Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.п.н.

## Введение (аннотация диссертации доктора наук )

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В образовательный процесс внедрены социальные технологии совершенствования социально-педагогической системы профилактики религиозного экстремизма и терроризма в образовательных учреждениях мира. В то время, когда экстремизм и терроризм в основном нацелены на молодых людей в процессе глобализации, ЮНЕСКО предупреждает их об этой идеологии: «Молодые люди не рождаются экстремистами. Наша миссия - обучать их правам человека, предупреждать об опасности и предотвращать их с помощью образования». Систематическая работа ведется по совершенствованию социальных, педагогических и профилактических аспектов воспитательной работы в этой сфере.

Одной из глобальных проблем, стоящим перед мировым сообществом сегодня, являются угрозы религиозного экстремизма и терроризма. Черпая силы из процессов глобализации, они распространяются по всем континентам. Учитывая то, что основной мишенью этих угроз становится молодежь, которая определяет наше завтра, одной из главных задач современности становится объяснение молодым сути разрушительной идеологии, защита их от религиозного экстремизма и терроризма, осуществление образовательно-воспитательных работ в направлении социально-педагогической профилактики в данной сфере. Актуальным в организации работ в данном направлении является борьба мирового сообщества не с последствиями религиозного экстремизма и терроризма, а причинами, устранение, профилактика факторов, приводящих к ним.

Воспитание молодежи – вопрос, который никогда не теряет своей актуальности, в том числе и для Узбекистана. В п. 2.4. Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 года определены задачи: “повышение эффективности координации деятельности по борьбе с преступностью и профилактике правонарушений; усиление организационно-практических мер по борьбе с религиозным экстремизмом”<sup>13</sup>.

Президент Республики Узбекистан в своей речи на 72-й сессии Генеральной ассамблеи ООН 19 сентября 2017 года уделил основное внимание на все более распространяющиеся по всему миру религиозный экстремизм и терроризм. Призвал мировое сообщество бороться против невежества просветительством. Он указал на самый верный путь борьбы с этой чумов – путь борьбы против первопричин. Глава нашего государства подчеркнул необходимость обращения основного внимания на проблемы религиозного экстремизма и терроризма; на профилактику “вирусов”, приводящие к разрушению духовности молодежи мира; на подлинно

---

<sup>13</sup>Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

гуманистическую суть исламской религии; на необходимость объединения на пути противостояния распространению невежества по всему миру<sup>14</sup>. Он обратил внимание мирового сообщества на борьбу против экстремистской идеологии в рамках государственной молодежной политики, ориентации образовательно-воспитательной работы на данную цель, необходимость разработки Международной конвенции ООН о правах молодежи.

Слова Президента Республики Узбекистан: «Нередко усилия сводятся к борьбе с последствиями вызовов, а не их первопричинами. Считаю, что в основе международного терроризма и экстремизма лежат, наряду с другими факторами, невежество и нетерпимость. В этой связи важнейшей задачей является борьба за умы людей, в первую очередь молодёжи»<sup>15</sup>, определили ряд конкретных задач в сфере предупреждения молодежи о последствиях религиозного экстремизма и терроризма.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5416 от 16 апреля 2016 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере»<sup>16</sup>, постановлениях №ПП-4437м от 4 сентября 2019 года «О мерах по дальнейшему оздоровлению религиозной ситуации и упрекнению устойчивости общественно-духовной среды», №ПП-3160 от 28 июля 2017 года «О поднятии на новый уровень повышения эффективности духовно-просветительской работы и развития сферы», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Формирование и пути реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии информационного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации**<sup>17</sup>. Научные исследования в области совершенствования педагогической

---

<sup>14</sup>Речь Президента Республики Узбекистан на 72-ой Генеральной Ассамблее Организации Объединенных Наций. Национальное информационное агентство Узбекистана. 20.09.2017.

<sup>15</sup>Речь Президента Республики Узбекистан на 72-ой Генеральной Ассамблее Организации Объединенных Наций. Национальное информационное агентство Узбекистана. 20.09.2017.

<sup>16</sup>Указ Президента Республики Узбекистан. №УП-5416. О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере. 16 апреля 2016 года.

<sup>17</sup>Данный обзор подготовлен на основе: Charles Lister. The Free Syrian Army: A decentralized insurgent brand. The Brookings Project on U.S. Relations with the Islamic World. Analysis Paper | No. 26, November 2016. Darrell M. West. Megachange. Economic Disruption, Political Upheaval, and Social Strife in the 21st Century. Brookings Institution Press, October 18, 2016. Martha Crenshaw, Gary LaFree. Countering Terrorism. Brookings Institution Press, 2016. Bruce Hoffman. Inside Terrorism. Revised and Expanded Edition. Columbia University Press. 2006. 227-285. Seth G. Jones. Hunting in the Shadows. The Pursuit of Al Qaeda Since 9/11. W. W. Norton & Company, Inc. 2012. 300-305. Seth G. Jones. Waging Insurgent Warfare. Lessons From the Vietcong to the Islamic State. Oxford University Press. 2016. 333-347. Yonah Jermey Bob. Security expert: Pressure social media to block terrorist incitement. The Jerusalem Post. November 17, 2016. Gabi Sibon. Confronting Spontaneous Terrorist Attacks INSS Insight. No. 667, February 24, 2015. Gabi Siboni. The Impact of Cyberspace on Asymmetric Conflict in the Middle

профилактической системы борьбы с религиозным экстремизмом и терроризмом проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности в UNODC (ООН), RAND Corporation, The Brookings Institution (США), International Institute for Strategic Studies (Великобритания), Canadian Centre for Policy Alternatives (Канада), Chiefly Research Centre (Австралия), Shalem Centre (Израиль).

В результате исследований в области совершенствования педагогической профилактической системы борьбы с религиозным экстремизмом и терроризмом, проводимых в мировых масштабах, получен ряд научных результатов: разработаны пути укрепления правовой борьбы против терроризма в соответствии с Резолюцией Совета безопасности ООН о борьбе против терроризма (UNODC), стратегические программы, направленные на борьбу против терроризма (RAND Corporation), технологии усиления информационно-пропагандистских ресурсов, направленных на объяснение общественности новой глобальной действительности – терроризма, профилактики террористических угроз (The Brookings Institution), методы борьбы с терроризмом, разрешения противоречий и конфликтов (International Institute for Strategic Studies), технологии реализации социальной политики, повышения культуры гражданского общества, профилактических работ по практическому решению повседневных проблем (Canadian Centre for Policy Alternatives), комплекс специальных тренинговых методик, направленных на повышение правовой культуры молодежи в образовательных учреждениях (Chiefly Research Centre), концепция сохранения суверенитета, стабильности, целостности, неприкосновенности государства с опорой на национальные ценности общества (Shalem Centre).

В мире проводятся научные исследования по приоритетным направлениям совершенствования педагогико-профилактической системы борьбы с религиозным экстремизмом и терроризмом, в частности в области совершенствования нормативно-методического обеспечения борьбы против терроризма, профилактики глобализации религиозного экстремизма и терроризма, воспитания с ранних лет в духе осведомленности о сути религиозного экстремизма и терроризма, формирования идеологического иммунитета, повышения эффективности информационно-пропагандистской деятельности, совершенствования методов борьбы с терроризмом, решения противоречий и конфликтов, совершенствования правовых, технологических и идеологических основ ограничения пользования сетью интернет в целях пропаганды религиозного экстремизма и терроризма.

**Степень изученности проблемы.** Философами, историками, террологами мира, как С.Кара-Мурза, Г.Грачев, О.Половко, А.Караяни,

---

East. The Georgetown Journal of International Affairs. April 29, 2015. Carnegie Council on Adolescent Development. Great transitions: Preparing adolescents for a new century. New York: Carnegie Council of New York. Patterson G.R., DeBaryshe B.D., Ramsey E. A developmental perspective on antisocial behavior. American Psychologist. 44, 329-335. и других источников.

